

Ўзбекистон Республикасида Адвокатуранинг Конституциявий - Ҳуқуқий Асослари

Маллаев Нормамат Рамазонович¹, Хушбоқова Нигора²

Аннотация: ушбу мақолада адвокатуранинг конституциявий- ҳуқуқий асослари, адвокатура институтининг инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдаги салоҳиятини тубдан ошириш, унинг олдида турган камчиликлар, муаммолар, ечимлар, тақлифлар ва адвокатуранинг тамойиллари ҳақида батафсил ёритилган.

Калит сўзлар: адвокатура, “Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси”, “ягона дарча”, “юримдик ёрдам”, қонунийлик, мустақиллик, ўзини ўзи бошқариш, “рақамли адвокатура” ва бошқалар.

Адвокатура Ўзбекистон Республикасидаги фуқаролик жамиятининг энг муҳим институтларидан бири, ҳуқуқий давлат тизимининг элементи бўлиб, усиз жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоялаш иложсиздир.

Яқин вақтларга қадар ўқув дастурларида адвокатурага, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига нисбатан кам эътибор бериларди. Жамият онгида сақланиб қолган адвокатура – бу обрўлироқ идоралар (прокуратура, суд)да иш топа олмаган юристларнинг унчалик обрўли бўлмаган, иккинчи даражали касби деган фикр, бахтиимзга, ҳуқуқ ижодкорлиги, қонунчилик базаси ва ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги ўзгаришлар таъсирида аста-секин ўзгариб бормоқда.

Шундай бўлса ҳам, Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, Жиноят-процессуал ҳуқуқи, Фуқаролик процессуал ҳуқуқи, Иқтисодий процессуал ҳуқуқи ва Прокурор назорати фанлари доирасида адвокатлик фаолияти масаласини ўрганиш бўлажак юристларда ҳимоя функциясига нисбатан тўғри муносабатни шакллантириш учун етарли эмас. Шу сабабли, мустақил Адвокатура фанини ўқитиш муҳим аҳамиятга эга.

Масалани янада чуқурроқ тушуниш учун, аввало, Адвокатура тўғрисидаги қонунчилик предметини ташкил қилувчи муносабатларни ва уларни мувофиқлаштириш услубларини таҳлил этиш талаб қилинади.

Маълумки, ҳуқуқий тартибга солиш – бу ижтимоий ҳаётдаги юридик аҳамиятга омиллар ва жараёнлар бўлиб, улар ҳуқуқнинг бошқарувчилик салоҳиятини, яъни ҳуқуқий меъёрларнинг тартибга солувчи ҳаракатлари йўналтирилган мақсадни ўзида ҳис этади (ёки ҳис этиши лозим)³.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг таъкидлашича, қонунчилигимизда адвокатларнинг самарали фаолият юритиши учун барча етарли асослар яратилган бўлса-да, амалиётда бу нормалар мутлақо ишламаётганини афсус билан қайд этишимиз лозим⁴.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев юритаётган сиёсат марказида инсон манфаати, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш мақсади мужассам. Сўнгги йилларда мамлакатимизда

¹ Юридик фанлар номзоди, доцент

² Термиз давлат университети Адвокатлик фаолияти мутахассислиги I курс тингловчиси

³ Адвокатура. Дарслик. Тошкент – 2019. 11-12 бетлар

⁴ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давоъ эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017.-592 б.



фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, аввало, жиной тажовулардан ҳимоя қилишнинг ишончли кафолатларини таъминлашга, шунингдек, инсон шаъни ва кадр-қиммати камситилишига, қонуний манфаатлари чекланишига йўл қўймасликка қаратилган кенг кўламли ишлар изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг “Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси”⁵ китобида таъкидланганидек, “Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси мустақил адвокатура фаолиятини самарали ташкил этишни назарда тутди. Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоялаш бугунги куннинг долзарб вазифасидир”.

Тараққиёт стратегиясининг 19-мақсади – “**Адвокатура институтининг инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдаги салоҳиятини тубдан ошириш, шунингдек, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг малакали ҳуқуқий хизматларга бўлган талабини тўлиқ қондириш**”дан иборат.

Бу устувор мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар белгиланган:

- **биринчидан**, адвокатура институтини тўлақонли ўз-ўзини бошқариш тизимига ўтказиш ва адвокатурага ёш малакали кадрларни жалб қилиш;
- **иккинчидан**, Адвокатлар палатаси бошқарув органларининг адвокатлар ҳамжамияти олдидаги ҳисобдорлигини кучайтириш;
- **учинчидан**, адвокатлар малакасини ошириш тизимининг замонавий ва институционал асосларини шакллантириш;
- **тўртинчидан**, адвокатлик фаолиятини рақамлаштириш. Бошқача айтганда, адвокатлик фаолиятига замонавий ахборот технологияларини жорий қилиш орқали ортиқча бюрократия ва қоғозбозликка чек қўйиш, судлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва бошқа давлат органлари билан электрон ҳужжатлар алмашинувини йўлга қўйиш;
- **бешинчидан**, бепул ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш кўламини кенгайтириш;
- **олтинчидан**, *нотариат ва фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини ёзиш органларининг хизматларидан оврагарчиликсиз, шу жумладан масофадан туриб ва “ягона дарча” тамойили асосида фойдаланишни таъминлаш кўзда тутилмоқда.*

Бу борадаги ҳуқуқий ва ташкилий ишлар изчил амалга оширилмоқда.

Айниқса, адвокатларнинг онлайн лицензия олиш имконияти яратилаётгани оврагарчиликларга чек қўйиб, бор кучини фуқаролар ва юридик шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга сарфлашига йўл очади. Малака имтиҳонини топшириш, лицензия олиш, адвокатлик бюросини рўйхатдан ўтказиш, адвокатлик гувоҳномасини олиш бўйича композит хизмат кўрсатиш йўлга қўйилмоқда.

Шунингдек, “**Юридик ёрдам**” ахборот тизими яратилмоқда. Ушбу тизим адвокат сўровини электрон юбориш, электрон тартибда адвокат ордерини олиш, адвокатлар, суд, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва бошқа давлат органлари ўртасида электрон маълумот алмашиш имконини беради.

Бу, ўз навбатида, адвокатнинг электрон шахсий кабинети орқали жисмоний ва юридик шахслар билан онлайн мулоқот қилиш, электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда масофадан туриб юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида онлайн битимлар (шартномалар) тузиш ва онлайн юридик ёрдам кўрсатишига ҳам йўл очади⁶.

Адвокатура зиммасига жисмоний ва юридик шахсларга малакали юридик ёрдам кўрсатиш, шахснинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдек муҳим конституциявий вазифа

⁵2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси.

https://president.uz/uz/pages/view/strategy?menu_id=144

⁶ <https://parliament.gov.uz/articles/868>



юклатилган. Суд жараёнларида ҳимоя ва айблов тарафининг тенглигини таъминлаш одил судловнинг муҳим шартларидан биридир.

Илгари Конституцияда суд процессининг айблов тарафи ҳисобланган прокуратура институтига оид қоидалар алоҳида бобда батафсил берилган, бироқ адвокатурага оид қоидалар бир жумлада келтириб ўтилган эди.

Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси⁷да эса адвокатуранинг мақоми янада мустақамланиб, ҳужжат “**Адвокатура**” номли 24-боб билан тўлдирилди. Адвокатура соҳасининг прокуратура сингари Конституцияда алоҳида бобда берилиши уларнинг конституциявий мақомини оширди.

Янги таҳрирдаги Конституцияда белгиланган адвокатурага оид қоидаларни таҳлил қиладиган бўлсак, жисмоний ва юридик шахсларга малакали юридик ёрдам кўрсатиш учун адвокатура фаолият кўрсатади.

Адвокатура фаолияти қонунийлик, мустақиллик ва ўзини ўзи бошқариш принципларига асосланади. Адвокатурани ташкил этиш ва унинг фаолияти тартиби қонун билан белгиланади.

Адвокатуранинг фаолияти қонунийлик, мустақиллик ва ўзини ўзи бошқариш тамойилларига асосланиши Конституция даражасида мустақамланди. Бунда, адвокатура фаолиятининг қонунийлиги, деганда адвокатлик фаолияти фақат қонунга қатъий риоя қилган ҳолда амалга оширилиши тушунилади.

“Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги Қонуннинг 5-моддаси⁸га асосан, **адвокатнинг мустақиллиги** унга қонунда белгиланган тартибда адвокатлик фаолиятини амалга ошириш учун ижозат бериш, бу фаолиятни тўхтатиб туриш ва тугатиш, адвокатнинг дахлсизлиги, адвокатлик сирини ошкор этишни талаб қилишни ман этиш, адвокат олиб бораётган ишларга аралашганлик ёхуд адвокатнинг дахлсизлигини бузганлик учун жавобгарлик, давлат томонидан унга адвокатлик фаолияти кафолатлари берилиши ҳамда ижтимоий ҳимояланиши орқали таъминланади.

Адвокатуранинг ўзини ўзи бошқариш, деганда, Ўзбекистонда хусусий адвокатлик фаолияти билан шуғулланувчи адвокатлар ўз фаолиятини нодавлат касбий бирлашма орқали бошқариши, уларнинг бошқарувига оид масалаларга давлатнинг аралашувига йўл қўйилмаслиги тушунилади.

Бугунги кунда Адвокатлар палатаси ўзининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида тузиладиган ҳудудий бошқармалари билан биргаликда адвокатуранинг ягона ўзини ўзи бошқариш тизимини ташкил этади.

Янги таҳрирдаги Конституциянинг 142-моддасига асосан, адвокат ўз касбий вазифаларини амалга ошираётганда унинг фаолиятига аралашингга йўл қўйилмайди. Адвокатга ўз ҳимоясидаги шахс билан тўсиқларсиз ва ҳоли учрашиш, маслаҳатлар бериш учун шарт-шароитлар таъминланади. Адвокат, унинг шаъни, қадр-қиммати ва касбий фаолияти давлат ҳимоясида бўлади ва қонун билан муҳофаза қилинади. Адвокатнинг касбий фаолиятига аралашингга йўл қўйилмаслиги конституциявий даражада мустақамланиши кучли адвокатура тизимини яратишнинг асосий омили бўлиб хизмат қилади.

Ушбу қоида “**ҳеч бир идора адвокатларнинг фаолиятига тўсқинлик қилмаслиги шарт**”, деган ғоянинг конституциявий ифодасидир. Ушбу норма суд процессида адвокат прокурор билан тенгма-тенг мунозарага киришишини таъминлайди. Иш бўйича далилларни тўплаш ва тақдим этиш фаолиятига аралашмаслик натижасида адвокатуранинг ҳуқуқий ҳолати мустақамланади.

⁷ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. <https://lex.uz/docs/6445145>

⁸ Ўзбекистон Республикаси “Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида” Қонуни. Тошкент ш, 1998-йил 25-декабрь, 721-1-сон. <https://lex.uz/docs/29626>



Адвокатлик фаолиятидаги эркинлик ва кафолат уларнинг ишини енгиллаштиради, адвокат ҳимоя қилаётган шахснинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлайди⁹.

Мамлакатимизда адвокатура институтининг салоҳиятини ошириш учун бошқа бир қатор муҳим ҳужжатлар ҳам ишлаб чиқилмоқда. Фикримизча, шулардан бири – **Адвокатура тўғрисидаги кодексни** ишлаб чиқиш заруратидир. Унда соҳага оид барча қонунлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўз мужассамини топиши лозим.

Юридик хизмат кўрсатиш соҳасининг ҳуқуқий асослари ҳам такомиллаштирилмоқда. Хусусан, **“Шартномавий ҳуқуқий база ва юридик хизмат тўғрисида”**ги ҳамда **“Бепул юридик ёрдам тўғрисида”**ги қонунлар, шунингдек, **Аҳолини яхлит ҳуқуқий ҳимоя қилиш контсепцияси** лойиҳалари тайёрланмоқда.

Яна бир муҳим ҳужжат, яъни Мустақил адвокатура контсепциясини тайёрлаш бўйича ҳам қизгин иш бормоқда.

Контсепция, хусусан:

- тергов ва суднинг барча босқичларида фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида адвокатнинг ролини мустаҳкамлаш;
- Адвокатлар палатасининг фаолиятини янада такомиллаштириш, унинг том маънодаги мустақиллигини таъминлаш, адвокатура институтини тўлиқ ўзини ўзи бошқариш тизимига ўтказиш, Адвокатлар палатаси бошқарув органларининг адвокатлар ҳамжамияти олдида ҳисобдорлигини ошириш, тизимга ёш ва малакали мутахассисларни жалб этиш;
- **“рақамли адвокатура”**ни ривожлантириш каби асосий йўналишлардаги вазифаларни ўзида қамрайди.

Шу ўринда **“рақамли адвокатура”**ни ривожлантириш учун:

биринчидан, адвокатлик фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш;

иккинчидан, адвокатлик фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотларнинг **тезкорлик билан олиншини таъминлаш** мақсадида **адвокатура, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ҳамда бошқа давлат органлари ўртасида электрон маълумот алмашинувини** самарали йўлга қўйиш;

учинчидан, адвокатлар томонидан махсус ахборот дастури орқали **жисмоний ва юридик шахсларга онлайн юридик ёрдам кўрсатиш** имкониятларини кенгайтириш;

тўртинчидан, адвокатура фаолияти учун зарур **ахборот тизимлари, маълумотлар базалари ва бошқа дастурий маҳсулотларни шакллантириш** ҳамда уларда сақланадиган маълумотларнинг **комплекс ҳимоя қилиниши ва махфийлигини таъминлаш** лозимлигини қайд этиш муҳим.

Табийки, адвокатура тизимига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишнинг аҳамияти беқиёс. Бинобарин, бу борадаги янги қадамлар тизим фаолиятида **инсон омилини бартараф** этиш орқали **адвокатура институтининг давлат органлари ва бошқа тузилмалардан мустақиллигини ошириш** имконини беради.

Адвокатура – давлат органи эмас, балки ўз ишини яхши биладиган ва зиммасидаги вазифаларнинг масъулиятини чуқур англайдиган моҳир касб эгаларининг ҳамжамиятидир. Шу маънода, қуйидаги таклифларни илгари сурмоқчимиз:

биринчидан, Адвокатура куни – адвокатлар ҳамжамияти вакилларининг касб байрами санасини белгилаш;

иккинчидан, **“Энг яхши адвокат”** кўкрак нишонини таъсис этиш;

⁹ https://uza.uz/oz/posts/advokaturaning-maqomi-konstitutsiyaviy-asosda-mustahkamlandi_482993



учинчидан, “Адвокатларнинг ягона давлат реестри”ни шакллантириш орқали нафақат фуқаролар, балки ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва судлар учун ҳам жуда асқотадиган яхлит, очиқ ва ишончли ахборот манбасини яратиш керак¹⁰.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Адвокатура. Дарслик. Тошкент – 2019. 11-12 бетлар;
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017.-592 б;
3. <https://parliament.gov.uz/articles/868>;
4. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси. https://president.uz/uz/pages/view/strategy?menu_id=144;
5. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. <https://lex.uz/docs/6445145>;
6. Ўзбекистон Республикаси “Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида” Қонуни. Тошкент ш, 1998-йил 25-декабрь, 721-1-сон. <https://lex.uz/docs/29626>;
7. https://uza.uz/oz/posts/advokaturaning-maqomi-konstitutsiyaviy-asosda-mustahkamlandi_482993.

¹⁰ <https://parliament.gov.uz/articles/868>

